

Сайёр қабул

Туман ҳокими Расулжон Жўраев бошчилигидаги сайёр қабулда аҳоли соғлиқни сақлаш, моддий-кўмак, уй-жой ва майший турмуш муаммолари, коммунал хўжалик, бандлик, тадбиркорлик, кредит олишга доир қатор масалалар билан мурожаат қилишди.

Қабул бошланган дастлабки соатнинг ўзидаёк бешдан зиёд фуқароларнинг мурожаатини ҳоким шахсан тинглаб, жойида ўз муносабатини билдириди.

Мулоқотда тиббий хизмат, кредит таъминоти, уй-жойга доир бир қанча масалалар ўз ечимини топди.

Хусусан, "Гамбай" МФЙ да яшовчи Моҳигул Тошпўлатова ажрим натижасида уй-жойсиз қолгани, турар жойга эхтиёжи борлигини баён этди.

Мазкур мурожаат туман ҳокими ва тегишли ташкилот мутасаддилари иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, Моҳигулга амалий ёрдам бериладиган бўлди.

2023-07-14 09:28:09